МУЛЬТИМЕДИЙНЫЕ И ИКТ

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАЛАРИГА ТИББИЁТ АСОСЛАРИНИ ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Расулова Маргуба Ильхамовна – т.ф.д., профессор
Ўзбекистон Миллий университети (Тошкент, Ўзбекистон)

Аннотация. *Мақолада мисол тариқасида «Репродуктив саломатлик ва унинг истиқболлари» мавзусини ёритишда АКТнинг "Google docs" дастуридан фойдаланиш, "Google Docs" иловаларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни афзалликлари ҳақида маълумотлар келтирилган.*

Экологик мониторинг кафедрасининг "Тиббий тайёргарлик" фанини ўзлаштира олмаган, давомати паст бўлган талабаларига дарсларни АКТнинг "Google Docs" дастурини қўллаш натижалари кўрсатилган. Бунга кўра, талабаларда мавзуларни ўзлаштириш даражасини 2-3 баравар ошганлиги, таълим сифатини яхшиланишига олиб келганлиги исботланди.

Калит сўзлар: *"Google Docs" дастури, инновацион таълим технологияси, ахборот коммуникацион технологияси.*

РОЛЬ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ОСНОВ МЕДИЦИНЫ СТУДЕНТАМ НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА

Расулова Маргуба Ильхамовна – д.м.н., профессор
Национальный Университет Узбекистана (Ташкент, Узбекистан)

Аннотация. *В статье в качестве примера при освящении темы "Репродуктивное здоровье и его перспективы" приводятся данные по использованию ИКТ приложения "Google Docs", а также специфические особенности и преимущества "Google Docs" в этом вопросе.*

На кафедре экологического мониторинга студентам, неосвоившим предмет "Медицинская подготовка" или получившим неудовлетворительные оценки в процессе обучения была использована методика ИКТ с использованием приложения "Google Docs". Согласно полученным результатам, при включении в процесс обучения ИКТ наблюдали повышение уровня освоения учебного материала студентами в 2-3 раза, а также значительное улучшение качества обучения.

Ключевые слова: *приложение "Google Docs", инновационная образовательная технология, информационно-коммуникационная технология.*

Муаммонинг долзарблиги.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев "Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг ривожи барча соҳаларнинг жадал тараққиётига хизмат қилади, одамларга қулайлик яратади" деганларидек, таълим тизимини ислоҳ этиш, ўқитиш усул ва воситаларини такомиллаштиришда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш таълим мазмунини бойитишга, ўқитиш сифатини яхшиланишига ва талабаларни ўзлаштириш самарадорлигини оширишига замин яратади *[1, 3]*.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 –йил 20-апрелдаги 2909-сонли ПҚ "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2017 йил 5-майдаги 2956-сонли ПҚ "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларини ижросини бажариш мақсадида Ўзбекистон Миллий университетининг ўқув жараёнига замонавий АКТ жорий этиш, ИТТ такомиллаштириш ва интерактив усуллардан кенг фойдаланиш тадбиқ этилган *[4. 5]*.

Сўнгги вақтларда ўқув жараёнининг самарали ва ўқув дастурини ишлаб чиқишда фан ютуқларининг объектив ва ишончли маълумотларга бойитишда АКТнинг ўрни муҳим *[2]*. Ўқув жараёнини оптималлаштириш, шунингдек таълим дастури ва педогогик таъсир усулларининг такомиллаштириш муаммоларини ҳал қилиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мақсад: «Репродуктив саломатлик ва унинг истиқболлари» мавзусини ёритишда *"Google docs"*дан фойдаланиб, талабаларнинг мавзуни ўзлаштириши самарадорлигини ошириш.

Материал ва услублар


Изланишлар давомида Ўзбекистон Миллий университетининг "Экологик мониторинг" кафедрасининг "Тиббий тайёргарлик" бўлимида фаолият кўрсатаётган барча профессор-ўқитувчиларни замонавий АКТ билан ўқитилди. Мавзуни ўқитишда «Google Docs" қайси иловала-

ридан фойдаланиш кераклиги таништириб чиқилди. Ўрганилган тажрибани мавзуни ўзлаштиришга татбиқ этилди.

Саралаш натижасига кўра 2022-2023 ўқув йилларда “Тиббий тайёргарлик” “Тиббий таълим” “Тиббий тайёрлов” фанидан олдинги семестрни ўзлаштира олмаган, давомати паст бўлган (ҳомиладор, туққан аёллар, имконияти чекланган талабалар, соғлиғини тиклаш мақсадида шифохонада даволанган), олган баҳосидан норози бўлган талабалар гуруҳи ташкил қилинди.

Биринчи навбатда «Google Docs” иловасининг *GMail* почтаси ҳар бир профессор-ўқитувчи учун алоҳида очилди. Ушбу электрон почтада профессор-ўқитувчи ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Бундан ташқари ўқитувчининг календар режаси, ўқув дастури, мавзуга оид ўқув материаллари жойлаштирилган бўлиб, талаба кўрсатилган линк, яъни ҳаволани босиб, ўзига керакли бўлган маълумотларни билиб олади. Талаба «Google Docs” иловасининг *Talk* идан фойдаланиб, ўзи танлаган ўқитувчи билан мулоқотга чиқади.

Дастурга мувофиқ *Groups* талабалар гуруҳлари ташкил қилигандан сўнг *Docs* файллар алмашуниви, презентация, маъруза, тақдимот, видео ва *Sites* мавзуга оид веб-сайт яратиб, ўқув материаллари жойлаштирилади (Расм 1 ва 2).




Расм 1. **Презентацияни жойлаштириш.**



Расм 2. **Видеотасвирни жойлаштириш.**

Талаба жойлаштирилган линк яъни ҳаволани босиб, сарф-ҳаражатсиз каландар режадаги мавзулар кўриб, эшитиб, ўзлаштиришни бошлайди. Битта презентацияни тўлиқ ўзлаштириш учун уни 2-3 маротаба қайта-қайта кўриш имконига эга бўлади. Ўзлаштирганлигини текшириш мақсадида ҳар бир мавзу бўйича тест ва саволнома *Google* форма бўйича ташкил қилинади (Расм 3).



Расм 3. **Тестларни жойлаштириш.**

Талаба тест ва саволномаларда юқори баллни қўлга киритсагина, кейинги мавзу очилади. Шу тариқа у кейинги мавзуларни ўзлаштириб боради.

Олинган натижалар.

Изланишлар натижасига кўра ЎзМУнинг Экологик мониторинг кафедрасининг “Тиббий тайёргарлик” фанида олдинги семестрни ўзлаштира олмаган, давомати паст бўлган (ҳомиладор, туққан аёллар, имконияти чекланган талабалар, соғлиғини тиклаш мақсадида шифохонада даволанган), олган баҳосидан норози бўлган жами 45та талабадан иборат бўлган гуруҳ ташкил этилди.

Гуруҳ талабалари бир аккаунт (логин ва пароль) орқали барча дастур, веб-сайт ва ахборот тизимларига кириб, АКТдан самарали фойдаландилар. Ўқитиш жараёнида 33 нафар талаба асосий уй жойларини тарк этмаган ҳолда, 7 нафари ётоқхонада, 4 нафар талаба шифохонада ўзига қулай вақтда ва қулай жойда, интернет бор жойларда компьютер, ноутбук, планшет ва смартфонлардан фойдаланиб, ортиқча йўл харажатларини сарфламасдан мавзуларни ўзлаштиришди. Кафедранинг профессор-ўқитувчилари томонидан талабаларга берилган топшириқни бажарилишини онлайн тартибда кузатиб борилди. Натижада тест назоратини топширган талабаларнинг 100% “4” ва “5” баҳоларга топширди. Профессор-ўқитувчиларини фаолияти тингловчилар давоматига боғлиқлиги йўқолганлиги ҳисобига талабалар билан мулоқат қилиш тезлиги ортди. Натижада талабаларнинг 72% юборган тақдимотлари учун юқори баллни қўлга киритдилар, 15% сценарий асосида кўрсатган ролли ўйинлари мақтовга сазовор бўлди. Индивидуал тартибда ўқиётган талабаларда интизом шаклланиб борди.

Хулосалар:

1.Google иловалари кўмагида фан бўйича ўқув мавзуларини олиш, маслаҳат, лойиҳалаштириш, виртуал таълим (семинар, маъруза)ларни реал вақт тартибида ўтказиш имконини берди. Машғулотни такрорий кўриш имконияти борлиги натижасида ўқув материалларини ўзлаштириши осонлашди;

2. “Google Docs” дастуридан фойдаланиб, кафедра сайтида электрон ахборот ресурсларнинг ягона базаси шакллантирилди.

3.Таълим жараёнида Google иловаларини қўлланилиши мавзуларни талабалар томонидан мустақил ўзлаштириш имкониятини яратди.

4.Кафедра педагогларининг АКТ бўйича компетентлиги ошди.

5.“Google Docs” дастурини қўллаш талабаларда мавзуларни ўзлаштириш даражасини 2-3 баравар оширди.

АДАБИЁТЛАР

1.“Ахборот технологиялари ва тизимлари” дарслик. Алимов Р.Х. ва бошқалар. ТДИУ, Т., 2007, 177 бет.

2.Вильдяксова О.Л. Использование технологии критического мышления. Москва, 2017 г.

3.Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Таълимда иннавацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: “Истеъдод” жамғармаси, - 2008. - 180б.

4.Юлдошев И.А. “АКТларнинг муҳитида педогогик диагностика тизимлари ва дастурларини жорий этиш зарурияти”. Замонавий таълим журнали., 2020, №8 (93) 1-6 бет.

5.Basic Medical Education WFME Global Standards for Quality Improvement. The 2012 Revision. WFME Office. University of Copenhagen. - Denmark: 2012. - 46 p.

THE ROLE OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGY IN THE PROCESS OF TEACHING BASICS OF MEDICINE TO STUDENTS OF THE NATIONAL UNIVERSITY OF UZBEKISTAN

Rasulova Marguba Ilkhamovna – D.M.Sc., professor
National University of Uzbekistan (Tashkent, Uzbekistan)

Summary. *As an example, the article provides information on the use of the ICT program "Google docs" in the coverage of the topic "Reproductive health and its prospects", the specific features of the "Google Docs" application, and their advantages.*

The results of the application of the Google Docs ICT program to the students of the Department of Environmental Monitoring who failed to master the subject of "Medical training" and had low attendance were shown. According to this, it has been proven that the level of students' mastery of subjects has increased by 2-3 times, and it has led to an improvement in the quality of education.

Keywords: *"Google Docs" program, innovative educational technology, information communication technology.*